

**Тўраев Лазиз Абдивали ўғли**  
**Тошкентдавлатшарқшунослик**  
**университети таянч докторанти**

## **МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “РАБИЪ УЛ-АБРОР” АСАРИ ВА УНДАН БАЪЗИ ИҚТИБОСЛАР**

Мусулмон Шарқи оламида ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим ва ундан кейингиси Ҳадиси шарифдир. Қуръони карим инсонларга тўғри ва ҳақ йўлни кўрсатадиган, жамиятдаги мавжуд саволлар ва муаммоларга жавоб бера оладиган ва инсонларга қиёмат кунига қадар дастурул амал бўладиган Аллоҳ таолонинг муқаддас каломи ҳисобланади. Ҳадислар эса Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳаёти ва фаолиятларидан сўз юритадиган, у кишининг диний-ахлоқий кўрсатмаларидан иборат бўлади. Ислом динида Ҳадиси шариф Қуръони Каримдан кейинги муқаддас маънавий манбадир. Ҳар иккала муқаддас манбаларда ижтимоий масалалар, муаммолар, инсоний фазилатлар, ахлоқий тартиб-қоидалар, таълим-тарбия масалалари кенг баён этилган.

Бу икки муқаддас манбалардан ташқари қадимдан инсонлар оғзидан оғзига ўтиб келаётган афсоналар, ҳикоялар, ривоятлар ва эртақлар ҳам мавжудки, улар жамиятдаги барча ижтимоий масалалар ва ижтимоий муносабатларни ўз ичига олади. Халқ оғзаки ижоди манбалари инсонларни яхшини ёмондан, оғирни енгилдан, пастни баланддан ажратишга, ватанпарварликка, билим олишга, адолатли бўлишга ва албатта комил инсон бўлишга даъват этади. Инсонларни улуғликка етакловчи ислом динининг муқаддас китоблари ва халқ оғзаки ижодидан ташқари ёзма нодир манбалар ва дидактик асарлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда берилган барча масалалар марказида инсон омили турар эди. Бундай асарларни яратилиш даврининг энг юксак даври ўрта асрлар, яъни IX-XII асрларга тўғри келади.

IX-XII асрларда Мусулмон Шарқи алломалари томонидан ёзилган асарларнинг барчаси жамиятдаги турли муаммолар ва масалаларга бағишланган. Уларда берилган барча ҳадислар, панд-насихатлар, ривоятлар, ҳикоялар ва масаллар аввало жамият тараққиёти, илм-фан ривожига ҳамда кишиларни одоб-ахлоқли, комил инсон этиб тарбия топишларига хизмат қилади. Ўрта аср алломалари ўз асарларида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, фидойилик, адолат, шижоат, садоқат, меҳр-мурувват, сахийлик, софдиллик, ҳалоллик, камтарлик, ростгўйлик ва оқиллик каби юксак инсоний туйғуларни улуғласа, зулм, зўравонлик, адолатсизлик, инсофсизлик, худбинлик, шафқатсизлик, ўғрилиқ, ёлғончилик, фисқу фасод, нафрат, адоват, ақлсизлик каби ёмон иллатларни қоралашган.

Юқорида ҳадислар ҳақида тухталган эдик. Юртимиздан чиққан Абду ибн Хумайд ал Кешший, Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий ва Имом Доримий каби муҳаддислар Ҳадис илми билан шуғулланишган бўлса, ана шу улуғ муҳаддислар қаторида ўз асарларида ҳадислардан унумли фойдаланган алломалар ҳам бор. Бу алломалар ўз қарашлари ва фикрларини исботлаш мақсадида аввало ҳадислардан, кейин эса саҳобаларнинг, салафийларнинг, алломаларнинг, донишмандларнинг, оқил подшоҳларнинг, вазирларнинг ва шоирларнинг нутқларидан, ваъзларидан, шеърларидан фойдаланишган. Бу услубда ёзилган асарлар қадимданваъзлар, хитобалар, рисоалар, мақол-маталлар, масаллар, қиссалар, ҳикматлар ва насихатлар кўринишида бизгача етиб келган. Бундай асарлар сирасига бир қанча асарларни киритишимиз мумкин:

- “Китоб ал-адаб ал-Кабир” асари. Абдуллоҳ Ибн Муқаффа ( 106-142 ҳ. й.) Форс олими бўлиб кўплаб ахлоқий асарлар муаллифи ва машҳур таржимон ҳам эди. Уни машҳур қилган таржималаридан бири бу ҳинд эпоси “Калила ва Димна”дир. Ибн Муқаффанинг “Ал-адаб ал-кабир” асари жамиятда муҳим бўлган ижтимоий, сиёсий, маънавий, давлат бошқаруви ва одоб-ахлоқ масалаларига оид панд-насихатлардан иборат асардир.

- “Ал байан ват табйин” асари. Машҳур араб адиби Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жаҳиз (160-255 ҳ.й.) муътазилилик оқими тарафдорларидан бири эди. Унинг “Ал байан ват табйин” асари ҳадислар, нутқлар, шеърлар, шарҳлар ва турли мулоҳазаларни ўз ичига олган. Мазкур асар Ислом дунёсидаги араб нотиклиги ва тил фалсафаси борасида дастлабки муҳим адабий асарлардан бири бўлган.

- “Ал-Иқд ал Фарид” асари. Ибн абд Раббихи ал Андалусийнинг (213–276 ҳ.й.) “Ал-Иқд ал-Фарид” асари ҳам турли афсоналар, таржимаи ҳоллар, тарих ва адабиётга бағишлаган ва ундаги ҳар бир номни дур-маржонга қиёслгани учун ҳам Ибн абд Раббихи “Ал-Иқд ал Фарид” деб атаган. Асар 25 бобдан иборат бўлиб, VII-VII асрларда Араб халифалиги тарихи ва адабиётига оид қимматли маълумотларни ўз ичига олган.

- “Китобу-л-баён ва-т-табйин” асари. Ал-Жоҳиз Абу Усмон Амир ибн Баҳр (775-868) араб мутафаккири ва ёзувчиси.бу асар араб нотиклигига оид асардир.

- “Китабул ағани” асари. Абул Фароҳ ал Исфаҳоний (897-967) Мазкур асарда арабча кўшиқ ва шеърият тарихи (5-6-асрдан 10-аср бошларига қадар) тарихий воқеалар ва ҳодисалар асосида берилган. Китобда араб ва форс шоирлари, бастакорлари, ашулачиларининг асарлари ва таржимаи ҳоллари ҳақида маълумотлар ҳам келтирилган. Китобда қадимги араб қабилалари ва Умавийлар саройи ҳаёти ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд бўлиб,

исломгача бўлган Жоҳилия давридан то унинг даврига қадар араб маданияти ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Муаллиф асарни ёзишда 50 йил вақт сарфлагани асарнинг нақадар қииматли ва аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

- “Муруж аз заҳаб” асари. Ал Масъудий (283 -345) томонидан ёзилган “Муруж аз-Заҳаб ва Маъдин ал-Жавҳар” (“Олтин хазиналар ва қимматли марваридлар”) асарининг биринчи жилдида дунёнинг яратилиши, қадимги Ҳиндистон, Юнон ва Рим халқларининг ижтимоий ҳаёти ва уларнинг одатлари, сиёсий вазият, диний оқимлар ва ақидалар ҳақида маълумотлар берилса, иккинчи жилдида асосан халифаларнинг таржимаи ҳоллари ҳақида маълумотлар келтирилади.

- “Симару-л-кулуб фи-л-музаф ва-л-мансуб” асари. Абу Мансур Абд ал-Малик ас-Саалибининг (350-429.) мазкур асари турли масал ва ҳикматларни ўз ичига олган араб ва форс тиллари адабиётини ўрганиш учун қимматли ва муҳим манба ҳисобланади.

- “Муҳазарат ул-удабо” асари. Ал-Раҳиб ал-Исфажоний (ваф. 502.) шоирлар ва нотикларнинг маъруза ва суҳбатларини бир тўплам ҳолига келтирган. Мазкур китоб адабий давраларда ҳам кенг фойдаланилган мазкур асарда араб адабиёти, шеърят, нутқлар ва латифалар ўрин олган.

- “Уюн ал-ахбор” асари. Ибн Қутайба ал-Марвазий (828-889) томонидан ёзилган мазкур асар адабий-тарихий манба бўлиб, турли соҳаларга хусусан, ижтимоий, сиёсий, диний мавзулардаги масалаларга бағишланган 10 қисмдан иборат асардир.

- “Қутадгу билик” этик-дидактик асари. Юсуф Хос Ҳожиб (тахм. 1020/21 йилларда туғилган) улуғ шоир, аллома, давлат арбоби. Унинг “Қутадгу билик” асари турк тилида ёзилган энг йирик ёзма ёдгорликлардан биридир. Мазкур асар ҳам Шарқда кенг тарқалган ўғит-насихат жанрига мансуб ижтимоий-фалсафий дostonдир. Асар турли ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалар ҳамда туркий халқларнинг ўтмиши, маданияти, илм-фани, урф-одат ва анъаналари ва ҳаёт тарзи ҳақида маълумот берувчи адабий манбадир.

Номлари зикр қилинган асарлар сирасига Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ул-аброр” асарини ҳам киритишимиз мумкин, чунки аллома “Рабиъ ул-аброр” асарини ёзишда юқоридаги асарлар даражасидан кам бўлмаган даражада ўз асарини тасниф этади.

Маҳмуд Замахшарий нафақат тилшунослик, луғатшунослик ва диншунослик соҳаларига оид асарлар ёзган, балки унинг дидактик, ахлоқий, ижтимоий масалаларга бағишланган асарлари ҳам мавжуд. Дидактик асарларидан энг каттаси бу “Рабиъ ул-аброр” асаридир. Мазкур асар алломанинг ҳажм жиҳатдан катта асарларидан бўлиб, турли ижтимоий масалаларга бағишланган 98 бобдан иборат асардир. Маҳмуд Замахшарий бу

асарни ўзининг “Ал-Кашшоф” асарини ёзиб тугаллагандан сўнг, хижрий 528 (милодий 1134) йилда ёзган. Асарнинг нима мақсадда ёзилгани ва унинг аҳамияти ҳақида унинг муқаддимасидан билиб олишимиз мумкин.

“Мен ушбу китобни “Ал-Кашшоф ан ҳақоик ут-танзил” тафсирини ўқиган китобхонларнинг хотирларини жамлаш ҳамда асарни ўқиш давомида кўп мулоҳаза юритганликлари, тафсирдаги мураккаб жиҳатларни ва сирларни очишга интилганликлари учун уларнинг чарчаган зеҳнларига ором беришни, уларнинг қалбларига роҳат бағишлашни мақсад қилганман. Қайсики “Ал-Кашшоф”ни ўқиб қийналган бўлса, улар учун гуллар ва меваларга бой боғ<sup>1</sup> яратдим ва бу боғдан хоҳловчилар ширин мевалардан еб оғизлари ширадан роҳатланади, бошқа хоҳловчилар чиройли гуллар ҳидидан бурунлари лаззатланишдан баҳра олади, бошқа хоҳловчилар чиройли манзарадан кўзлари қувонади ва яна бошқа хоҳловчилар боғдаги файзли сувлар шилдирашидан қулоқлари роҳатланади. Асарни ўқиганлар ҳар қандай мажислдан ҳоли бўлади, бундан бошқа илм олиши шарт бўлмайди. Кимки бойлик ва илм қидирса шу китобни ўқисин, шунда кўп нарсага эга бўлади. Кимки ўзини хор тутса ўзини иззати ошади ва чиройли бўлади. Агар бирор нарса истагида ирода қилса, ўша истаги амалга ошади. Кимки бирор маълумот қидирса, мазкур асар хабарчи бўлади. Унда Малик ва Уқайл дўстлиги ҳақида ҳамда Қусаир Азза ва Жамилибн Абдуллах ибн Муаммаргазаллари ва шеърларини ўқийсан. Агар хузунлик ҳоҳласанг, яъни кўнглингни бўшатмоқчи бўлсанг, йиғлатадиган хабарларни, ваъзларни, агар хурсанд бўлмоқчи бўлсанг, қулиш истагида бўлсанг қулгули хабар-латифаларни топасан. Кимки унга яқин бўлса, муҳтожлик кўрмайди, ким у билан дўст бўлса бошқа дўст керак бўлмайди”, деб таъкидлайди Маҳмуд Замахшарий ўз асари муқаддимасида.

Маҳмуд Замахшарий китобни яратишда аввал бобларда берилган мавзуга доир бўлган Расулulloҳ (с.а.в)нинг ҳадисларини, сўнг саҳобаларнинг сўзларини, кейин тобеъинлар ҳамда араб ва форслардан бўлган обидлар, зоҳидлар, художўйлар, донишмандларнинг гапларини ва агар мавжуд бўлсамасалага оид бўлган шоирларнинг шеърларини келтирган. Шунингдек, Бани Исроил қавмидан чиққан набийларнинг ва улардан бошқаларнинг сўзларидан ҳам иқтибос келтирган. Бундан ташқари араб ва форсларнинг тарихи, подшоҳлари, халифалари, амирлари, ҳокимлари, муғаннийлари ва шоирлари билан боғлиқ хабарлар ва қиссалардан ҳам иқтибослар келтирган. Аллома бу хабарлардан хабардор инсонлар ахлоқ-одобли, тарбияли бўлишлари учун хабарларнинг энг сараларидан иқтибослар келтирган. Бундай иқтибослардан фойдаланган ҳолда асар тасниф этиш услуби араб адабиётидаги ўн икки илмдан бири бўлган “Илм ал-муҳазара” услубидир.

---

<sup>1</sup>Маҳмуд Замахшарий “Рабиъ ул-аброр” асарини чиройли бир боғга ўхшатади.

“Илм ал-мухазара” услуби ҳақида Маҳмуд Замахшарий ўзининг “Ал-қистос ал-мустақим фий илм ал-аруз” асарида маълумот берилади. Асардаун икки адабиёт илми номларини келтириб ўтилади<sup>2</sup>. Булар қўйидагилар: 1) илм матн ал-луға (луғат илми), 2) илм ал-абния (морфология-сўзларнинг шакли), 3) илм иштиқоқ (бир ўзакдан келиб чиқадиган сўзлар илми), 4) илм ал-иъраб (синтаксис), 5) илм ал-маъани (стилистика), 6) илм ал-баён (тропик ифода назарияси), 7) илм ал-аруз (вазн илми), 8) илм ал-қавафий (қофия илми), 9) инша ан-наسر (насрий матн ёзиш), 10) қарз ал-шеър (шеър басталаш), 11) илм ал-китаба (ёзиш санъати), 12. Илм ал-мухадара (иктибос санъати, маърузалар илми). Алломаннинг “Рабиъ ал-аброр” асари айна шу ўн иккинчи илм бўлган “илм ал-мухазара” услубида ёзилган.

Маҳмуд Замахшарий ўз асарини яратишда араб, форс, юнон ва ҳинд халқлари тарихи, маданияти, қадриятларидан ҳамда пайғамбарлар ҳадисларидан, номлари зикр қилинган халқларнинг илм ва дин соҳаларида машҳур бўлган шахслари, халифалари, подшоҳлари, саркардалари, олимлари, донишмандлари, шоир ва муғаннийлари насихатлари, сўзлари, ривоятлари ва шеърларидан унумли фойдаланган. Асарда подшоҳ ва вазирлар ўртасидаги суҳбатлар, араб ва ажам халқларининг катта-катта шаҳарлари, турли ривоятлар, афсоналар, тарихий воқеа-ҳодисалар ҳам ўрин олган. Маҳмуд Замахшарий қадимги халқлар эпос ва дostonларидан ҳам иқтибос келтиради. Масалан, араб халқларининг эпоси “Айямул араб” даги ал-Фараздакий, Жарир ибн Атий, Ал-Ахтал ат-Таблиғий ва Ал-Муфаззал ад-Даббий каби шоирларнинг шеърларидан, форс халқларининг “Жовидони Хирад”, “Худойнома”, “Панднома”, “Тарихи Табарий” ва ҳиндларнинг “Калила ва Димна” асарларидан насихатлар ва маълумотлар келтиради.

Қуйида биз “Рабиъ ул-аброр” асаридан инсонларни яхшиликка, илм олишга ва оқилликка чақирадиган, яхши фазилатлар улуғланган ривоятлар, суҳбатлар ва ибратли панд-насихатлардан баъзиларини келтираамиз.

Луқмони Ҳаким<sup>3</sup>: Уч тоифали инсонлар уч ҳолатда билинади, улар ғзаб чиққанда юмшоқ ва мулоийим, уруш пайтижасоратли ва муҳтожлик пайтда дўст бўла оладиган инсонлардир.<sup>4</sup>

Руҳ ибн Зинбағидан<sup>5</sup> сўрадилар: Дўстлик нимани англатади? У шундай деди: Бу шундай ажойиб сўзки уни тушунтириб бўлмайди.<sup>6</sup>

<sup>2</sup>Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-қистос ал-мустақим фий илм ал-аруз” асари 53 бет. Муҳаққиқ Баҳижа Бакир Ал-Ҳасани, Бағдод. Мактабат ал-Андалус нашриёти 1969 йил.

<sup>3</sup> Луқмон Ҳаким шарқ мумтоз адабиёти ва халқ оғзаки поэтик ижодидаги донишманд табиб образи.

<sup>4</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 114 бет.

<sup>5</sup>Руҳ ибн ЗинбағиФаластиннинг амири ва Уммавийлар даврида Сурия зодагонларидан бири бўлган.

<sup>6</sup>“Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 114 бет.

Холид ибн Сафвандан<sup>7</sup> сўрадилар: Қандай дўст яхши? У шундай деди: Камчиликларимни тўлдирадиган, хатоларимни кечирадиган ва узрларимни қабул қиладиган дўст, яхши дўстдир.<sup>8</sup>

Афлотундан сўрашибди: Нега донолик ва бойлик бирлашмайди? У деди: Мукамаллик хурмати учун.<sup>9</sup>

“Бирподшоҳ вазиридан сўрабди: Инсон учун энг қадрли нарса нима?

Вазир айтибди: Унинг ақли.

Подшоҳ: Агар ақли бўлмасачи?

Вазир: Унинг одоб-ахлоқи.

Подшо: Бу деганлари ҳам бўлмасачи?

Вазир: Унда унинг бойлиги, зеро ўз бойлиги билан кимларгандир яхшилик қилади ва саховат кўрсатади.

Подшо: Агаруниг бойлиги ҳам бўлмасачи?

Вазир: Ундан кўра чақмоқяхши, агар юқоридаги хислатларнинг ҳеч бирига эга бўлмаган инсон чақмоқ остида қолиб, ўлгани яхшидир.<sup>10</sup>

Бир куни Аҳнаф<sup>11</sup> амирлардан бирининг уйига бориб, уни олдига киришга изн сўрайди. Хизматкор амирдан рухсат сўраб келгунга қадар Аҳнаф эшик олдидакутиб туради. Шу вақтда кўчадан сув сотувчи ўтиб кетаётиб, сув идишини Аҳнаф олдига қўйиб деди: Эй шайх, мен келгунимга қадар шу идишга қараб туринг.

Бироздан сўнг хизматкор чиқиб, Аҳнафга амир олдига киришини ва уни кутаётганини айтади, шунда Шунда Аҳнаф:Биров менга омонат қолдирди, омонатга хиёнат қилиш гуноҳ, - деди ва сув сотувчиси келгунига қадар идишни қўриқлаб турди.<sup>12</sup>

Муҳаммад ибн Ажлон<sup>13</sup> айтди:

Шайтонни энг ёмон кўрадиган одами хушмуомалали, ҳалим олимдир. Агар олим гапирса, у илмий жихатдан гапиради. Агар сукут сақласа, ҳалимлик билан сукут қилади. Шунда Шайтон айтади: Олимнинг сукути менга унинг гапиришидан ҳам оғир ботади.<sup>14</sup>

Муътамир ибн Сулаймон ибн Тархондан ривоят қилинади: Қадимги замонларда ғазабланган бир киши бўлган ва у учта қоғозга бир нечта сўзлар

<sup>7</sup>Арабларнинг машхур олими ва воизи.

<sup>8</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 115 бет.

<sup>9</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 138 бет

<sup>10</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 172 бет

<sup>11</sup> Аҳнаф-Муҳаммад (с.а.в) даврида яшаган, Марв, ҳирот ва Нишпур шаҳарларини босиб олган саркарда. Илми ва оқиллиги билан машхур бўлган.

<sup>12</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 235 бет

<sup>13</sup> Муҳаммад ибн Ажлан қураишлик Ал-Валид Уътба ибн Рабиъа қули бўлган ва озод қилинган тақводор, илмли киши.

<sup>14</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 235 бет

битиб, уларни уч кишига беради. У биринчи кишига: Менга қачонки ғазабланганимда шу қоғозни беринг, дейди. У иккинчи кишига: Ғазабланганим бироз пасайганда, менга иккинчи қоғоз беринг, дейди. У учинчи кишига: Мен ғазабимни тўлиқ ютиб бўлгандан кейин, ғазабим бутунлай босилганда менга учинчи қоғозни беринг, дейди.

Биринчи қоғозда у: Ўзингизнинг ким эканлигингизни ўйлаб кўринг ва ғазабланиш сизга тўғри келадими? Сиз Аллоҳ яратган энг доно махлуқсиз. Ғазаб билан бир-бирингизга озор берманглар. Ушбу хатни ўқиш унинг ғазабини бироз пасайтиради. Иккинчи қоғозда Агар сиз ер юзидаги одамларга раҳм қилсангиз, жаннатда Аллоҳ сизга раҳм қилади, деб ёзилган эди. Иккинчи хатни ўқиш унинг ғазабининг яна бир қисмини тинчлантирар эди. Учинчи хатда: Одамларга Аллоҳ буюрганидек муносабатда бўлинг. Шунда барча ишлар ривожланади. Ушбу хатни ўқиб, эркак ғазабдан бутунлай тозаланади. Ибн Тархоннинг сўзларига кўра, бу киши форс шоҳи Хусрав Ануширвон бўлган.<sup>15</sup>

Ривоят қилишларича, ҳинд шоҳлари шахматни беҳуда курашиш ва одамларни қирғин қилмаслик учун ихтиро қилишган. Агар икки салтанат ёки ҳукмдорлар ўртасида келишмовчилик, жанжал юзага келса, улар жанг қилмасдан шахмат ўйнайдилар. Ким ғалаба қозонса, урушсиз, мағлубиятсиз голибликни қўлга киритади.<sup>16</sup>

Бузургмеҳрден сўрадилар: Энг мукамал инсон ким? У деди: Ҳис-туйғуларини жиловлай оладиган ва ўзининг жуда ақлли эканлигидан беҳабар инсонлар мукамал инсонлардир.<sup>17</sup>

Бузургмеҳрдан: Нима учун устозингни отангдан афзалроқ ҳурмат қиласиз? - деб сўрадилар. Чунки отам мени ўткинчи дунёга, ҳаётга олиб келган бўлса, устозим менга боқий, охират ҳаётини ато этди.

“Калила ва Димна” соҳиби деди: Кучли душманни зарарини қўрқув билан қайтариб бўлмайди, Кучли қум шамолдан ҳашак қутула олмаганидек.<sup>18</sup>

Жавидони Хирадда<sup>19</sup>: Обид киши учун бу дунёда донолик, охиратда раҳм афзалдир.<sup>20</sup>

Улуғ алломаларимизнинг бой илмий мероси ва уларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари жамиятда барқарор, ижтимоий ва маънавий муҳитни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

<sup>15</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 238 бет

<sup>16</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 667 бет

<sup>17</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 501 бет

<sup>18</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 443 бет

<sup>19</sup> Ҳашангшоҳнинг насиҳатлари-қадимги форсларнинг маданияти ҳақидаги китоб

<sup>20</sup> “Рабиъ ул-аброр” <http://www.islamicbook.ws/adab/rbia-alabrar-.pdf> 526 бет

Юқорида келтирган суҳбатлар, ўғитлар ва насиҳатлар инсонларни яхшиликни ёмонликдан, эзгуликни ёвузликдан, тўғрини нотўғридан ажратиб олишга ва инсонларни маънавий баркамол бўлишларига хизмат қилади.